



ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ - СИФАТНИ ТАЪМИНЛАШ ЙӮЛЛАРИ

Хотамов Комил Раббимович -

Фискал институти, и.ф.д., профессор

Исаев Фахриддин Икромович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

хузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини

ривожлантиришнинг иммий асослари ва муаммолари»

иммий-тадқиқот маркази, и.ф.д. (DSc), доцент

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a43

Аннотация. Ушбу мақолада таълим тизимидағи ислоҳотлар, таълим олувчилар ва таълим берувчилар ўзаро нисбати, таълим харажатлари ва таълим сифатини ошириш ўйналишлари бўйича ўрганишлар қилинган ҳамда тегишили ҳулоса ва таклифлар шакллантирилган. Шу билан бирга талаба ва профессор-ўқитувчиларнинг ўқиши ва иш вақтларининг тўғри тақсимотининг таълим сифатига таъсири бўйича айрим мулоҳазалар шакллантирилган.

Калим сўзлар: таълим муассасалари, олий таълим тизимидағи қамраб олиш даражаси, таълимни профессор-ўқитувчилар билан таъминланиш даражаси, таълим самарадорлиги.

ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ РЕФОРМЫ - ПУТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ КАЧЕСТВА

Хотамов Камиль Раббимович -

Финансовый институт, д.э.н., профессор

Исаев Фахриддин Икромович -

Научно-исследовательский центр «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при Ташкентском государственном экономическом университете, д.э.н., доцент

Аннотация. В данной статье проведены исследования реформ в системе образования, соотношения учащихся и преподавателей, затрат на образование, направлений повышения качества образования, сделаны соответствующие выводы и предложения. В то же время сформировались некоторые замечания о влиянии правильного распределения учебного и рабочего времени студентов и преподавателей на качество образования.

Ключевые слова: образовательные учреждения, уровень включенности в систему высшего образования, уровень обеспеченности образования профессорско-преподавательским составом, эффективность образования.

EDUCATIONAL REFORMS - WAYS TO ENSURE QUALITY

Khotamov Kamil Rabbimovich -

Fiscal Institute, DSc, professor

Isaev Fakhriddin Ikromovich -

Research center "Scientific bases and problems of the development of the economy of Uzbekistan" under the Tashkent State University of Economics, DSc, Associate Professor

Abstract. In this article, studies were made on reforms in the education system, the ratio of students and teachers, education costs, and directions for improving the quality of education, and relevant conclusions and suggestions were made. At the same time, some comments on the influence of the correct distribution of study and work time of students and professors on the quality of education have been formed.

Keywords: educational institutions, level of inclusion in the higher education system, level of provision of education with professors and teachers, effectiveness of education.

Кириш. Дунё мамлакатларида таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, таълимнинг барча босқичларида тизимили ишлар ташкил этилган. Бу ривожланадётган, ривожланган мамлакатларда турлича ҳолат касб этиши мумкин, бироқ мактабгача таълим, мактаб таълими, ўрта-маҳсус таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, мала-ка ошириш ва қайта тайёрлаш деярли ҳар бир мамлакат таълим тизимида хос бўлган тизим ҳисобланади.

Умуман таълим жараёнини кузатадиган бўлсақ, инсоннинг дастлабки билим олишидан бошлаб бутун умри давомидаги фаолияти бевосита таълим билан боғлиқ. Бундан ташқари касбга тайёрлаш, касб эгаларини малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ҳисобига ҳар қандай соҳа таълим орқали ривожланади, тараққий этиб боради.

Дунё амалиётида бундан бир неча йиллар олдин анъанавий таълим шакли, бу таълим шаклида ҳам асосан аудиторияда ўқитиш бир мунча фаол бўлган бўлса, бугунги кунда аралаш

таълим, яъни онлайн, анъанавий, масофавий таълим компонентидан самарали фойдаланилмокда.

Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонида “мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиилар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш” вазифаси қўйилган[2]. Албатта, мустақил таълимни самарали ташкил этиш, таълим оловчиларнинг мустақил ва креатив фикрлаш даражасини оширади. Аммо, бу борада мустақил таълимни ташкил этиш тўғри йўлга қўйилганда ўз натижасини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномасида 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” дея ном беришни таклиф этиши ва 2023 йилнинг шундай номланиши Ўзбекистонда сифатли таълимга яна бир қадам қўйилаётганлигигдан далолат беради.

Албатта, сўнгги йиллардан таълим соҳасига қилинаётган эътибор туфайли таълим тизимини анча изга тушди. Лекин, кўпроқ таълимда коррупцияни йўқотиш, ёшларни олий таълим билан қамраб олишга йўналтирилган ислоҳот қачондир тескари натижа бериши ҳам мумкин. Чунки бир неча йилларни ва етарлича харажатларни эвазига олинган мутахассислик дипломи, талабгорнинг жамиятда самарали ишлаб кетишига мамлакат ривожига ҳисса қўшишига ҳеч ким кафолат бермайди. Бу бўйича ҳам, Президентимиз Мурожаатномада “Сўнгги йилларда олийгоҳларимиз 2,5 баробар кўпайиб, 198 тага етди, қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошди. Биз бу рақамларни янада кўпайтиришини мақсад қилганмиз. Лекин, таълим сифати нима бўлади, деган савол ҳаммамизни ўйлантириши керак”лиги таъкидланди[5].

Шу боис, биз томонимиздан охирги йилларда таълим соҳасида таълим сифатига қаратилган ислоҳотларнинг айримлари бўйича ўрганиш ўтказишни ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар таҳлили. Умуман олганда таълим сифати бўйича кўплаб изланишлар олиб борилган бўлиб, уларда асосан дарс бериш мето-

дикаси ҳақида сўз юритилган. Жумладан, ўқитувчиларнинг касбий билимлари сифатли таълим ва шунинг учун талабаларни ўрганиш учун зарурдир [10]. Ушбу билимларнинг бир қисми сифатида ўқитувчиларга мазмунли билим керак [11]. Ўқитувчи мазмунли билим доменнинг асосий ғоялари, бу ғоялар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг эпистемик келиб чиқиши ҳақидаги билим сифатида тавсифланади [12]. Шу билан бирга, ўқитувчилар нафақат мазмунни яхши билишлари, балки ушбу таркибни ўқувчиларга қандай тушунарли қилиш ҳақида билимга эга бўлишлари керак - яъни ўқитувчиларга педагогик мавзу бўйича билим ҳам керак [13].

Олий таълим курсларининг сифати бўйича олиб борилган тадқиқотлар муваффақият билан боғлиқ бўлган турли мезонларга олиб келди[14]. Бироқ, бу мезонлар ўқитиши ва ўрганишнинг ўрнатилган назариялари ва тадқиқот анъаналарига асосланган бўлиш ўрнига, кўпинча муайян курсларни баҳолаш учун ўзига хос тарзда танланган[15]. Бундан фарқли ўлароқ, бошланғич ва ўрта таълим сифати бўйича тадқиқотлар ўқитиши ва ўқитишининг умумий назарияларига асосланган таълим сифатининг оқилюна ва кенг тарқалган моделларини яратди[16].

Муаллиф К.Хотамов таъкидлашича, таълим тизимини юқори педагогик технологиилар, халқаро стандартларни жорий қилиш энг муҳим масалалардан ҳисобланиб, бунда бевосита таълим сифатини ошириш асосий мақсад қилиб олинади. Шу билан бирга Хотамов томонидан юқори ва илғор хориж таълим технологииси, халқаро стандартлар ва бошқа шу каби янгиликларнинг таълим тизими ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатлар тизимиға кириб келиши, тўғрироғи ё тўлалигича олинмаслиги ёки ўша мамлакатлар ўзига мослаб олиши оқибатида таълим тизимида шундай муаммоларга дуч келинадики, бу муаммолар таълим сифатига салбий таъсир қилиш билан бирга, катта микдордаги таълим харажатларини мақсадсиз сарф бўлишига ҳам олиб келиши таъкидланган [9].

Ўрганишлардан дастлабки хулоса қилишимиз мумкинки, фикримизча, таълимни сифатига таъсир қилувчи бир қанча омиллар борки, уларнинг асосийлари куйидагилар:

- салоҳиятли профессор-ўқитувчиларнинг етарли бўлиши;
- мустақил ва аудитория таълим мининг тўғри тақсимотга асосланганлиги;
- таълим беришда таълим оловчиларнинг салоҳияти ва вақт имконияти ҳисобга олинганилиги;
- таълимга қилинган харажатларнинг мақсадлилиги.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида кузатиш, интервью, сўровнома каби усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот объекти сифатида таълим муассасалари олинган ҳамда мазкур объектлар доирасида фикр мулоҳазалар келтириб ўтилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимидағи ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилиб келиниб, талабаларни қамраб олиш даражаси ҳам ошиб бориши, албатта, қуонарли ҳол. Бироқ, сифатли таълим бўлиши учун қамровнинг ўзи етарли эмас. Қамров кўпайиши, маълум бир даврда ўқитадиган мутахассислар етишмаслиги, билими етарли бўлмаган ёшларнинг қабул қилиниши ва бошқа сабаблар ҳисобига пасайиб кетиши ҳам мумкин.

Яъни, ўрганишлардан кўришимиз мумкини, республикамизда олий таълим билан қамраб олиш даражаси йилдан йилга ўсиб бормоқда. Бироқ уларга дарс берадиган профессор-ўқитувчиларнинг сон ва сифат жиҳатдан бир вақтнинг ўзида ўсиб бормаслиги натижасида ўртада узилиш юзага келиши каби муаммо кузатилмоқда. Шу боис, фикримизча, профессор-ўқитувчилардан самарали фойдаланаш масаласини алоҳида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, таълим муассасалари сони кўпайиши, айнан таълим берувчилар билан боғлиқ муаммони яққол намоён қилиб қўйди. Жумладан, олий таълим муассасаларининг кўпайиши, мавжуд олий таълим муассасаларига қабул сонининг ошиши уларга дарс берадиган, етакчи мутахассисларга талабнинг ошишига олиб келди. Бу эса, бор имкониятдан самарали фойдаланиш учун 2 ва ундан ортиқ таълим муассасасида ишлайдиган ўқитувчилар сонини ошишини келтириб чиқарди. Бунинг натижасида, ўқитувчи илмий тадқиқот ва бошқа ишлар билан шуғулланиши керак бўлган вақтини ҳам дарс беришга сарфлаши каби заруриятни пайдо қилди.

Юқоридаги ҳолатни таҳлил қилас эканмиз, кўп йиллик тажрибали мутахассисларнинг фикрича, бунинг ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Ижобий томони шундан иборатки, моддий манфаатдорлик юқори бўлган шароитда ўқитувчининг дарс бериш маҳорати ошиб боради ҳамда ўитувчи тақчиллигини маълум маънода камаяди. Салбий жиҳати эса, илмий тадқиқот бўйича ишланмаларга вақти бўлмайди.

Ўрганишлардан маълум бўлишича таълим муассасаларида ҳафталиқ дарс машғулотларининг кўп қўйилиши ҳам таълим олувчиларнинг билим сифатига салбий таъсир қиласи.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, талабалар учун назарий билим олиш 27 академик соатдан ошмаслиги ва худди шу миқдорда мустақил таълим билан шуғулланиши тавсия этилади. Демак,

умумий 54 академик соат. Агар 54 академик соатни одатдагига айлантирадиган бўлсак, 36 соат келиб чиқади ($54 \times 40 / 60$). Яъни, ақлий зўриқиши билан боғлиқ ишларни бажараётган ишчилар учун ҳафталиқ иш вақти 36 соатдан ошмаслиги белгиланган каби, фикримизча, талабаларга ҳам максимум шу норма қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

И.Саифназаров ўзининг ўқитувчи фаолиятига бағишиланган мақоласида меъёрий талабаларни бузилиши қўп нарсаларга олиб келиши хусусида фикр юритиб, талаба ва ўқитувчи ўртасидаги меъёрларни бузилишининг оқибати таълим сифатига таъсирини нисбий баҳолаб, "буғунги рейтинг тизими ва ўқув-методик юкламалар, ортиқча қоғозбозлиқ, ҳисботбозлиқ натижасида ўқитувчининг ортиқча ишларга вақти қолмаслигини таъкидлаб ўтади [7]. Унинг фикрича, оқибатда ўқитувчи академик муҳокамаларни ташкил этишга, ўқув материалини чукур ўрганиш ва таълим соҳасида ҳамкорлиқдаги вазиятда толерантлик ривожини рағбатлантиришга вақти йўқ етмайди. Бундан ташқари муаллиф, дунё олимлари томонидан ўқитувчининг фазилатлари бўйича олиб борилган илмий ишлар, мунозарали фикрларни асос қилиб, барча олимлар томонидан эътироф этилган ўқитувчи фазилатлари таълим ва тарбиянинг сифатида ижобий таъсир қилишига қаратилганлигини келтириб ўтади[7]. Муаллиф томонидан билдирилган фикрлардан, баҳолаш тизими, қоғозбозлиқ, ҳисботбозликка кескин қарши эканлигини кўриши қийин эмас. Тўғри, охирги йилларда таълим тизимида таълим ва тарбиядан четга олиб чиқувчи масалалар бир мунча тартибга тушган. Аммо, таълим сифатига эришиш масаласи аҳли ҳам оқсан турибди.

Муаллиф фикрини бизнинг тадқиқотимизга боғлайдиган бўлсак, олдинги пайтларда асосан, ўқитувчини ишини енгиллаштиришга, асосий ишини қилишига шароит яратиш ўрнига уларни турли фаолиятига хос бўлмаган "юкламалар" билан кўмиб ташлаш, фақат таълим сифатига таъсир қилувчи ҳолат сифатида қаралган ва шу ҳолатни баратараф этиш, ўша қўшимча ишларни камайтириш бўйича тавсиялар берилган.

Республикамизда йиллар давомида илм-фан, олимликка охирги ўринларда қаралиб, уларнинг ойлик даромадларини ўртacha ойлик маошдан ҳам паст эди. Олимларнинг моддий аҳволи гапириб, А.Мирзаев "илм билан шуғулланиш хоббига айланди, олимлар бошини қотирган асосий муаммо оила боқиши бўлди,- деган гапни айтиб ҳаттоки, олимларнинг рўзғор тебратиш учун тадбиркорликка, қаерда яхши маблағ топиш мумкин бўлса ўша ерга ўтиб ишлади" - дейди[17].

Аммо, сўнгги йилларда, профессор-ўқитувчилар, илм-фан вакилларининг ойлик маоши сезиларли даражада оширилди. Бугунги кунда профессорларимиз қўшимча ҳақларни ҳам ҳисобга оладиган бўлсақ, 1000 доллар атрофида ойлик маош олмоқда. Албатта, бу қувонарли ҳол.

Бундан ташқари фан номзоди, илмий тадқиқотчиларнинг ҳам ойлик маошлари юқорилаб бормоқда. Президентимиз томонидан 2016 йил 30 декабрда олимлар, академикларни йиғиб ўтгазган сұхбатларидан бошлаб, илм аҳли Президентимиз эътиборидан четда қолгани ўйқ.

Фикримизча, олий таълим муассасасидаги бўлажак ва амалдаги олимларимиз 10-15 йил ичida эгаллаган илмини халқ ва жамият манфати йўлида сарфлаши лозим. Шундагина, профессор-ўқитувчиларга, тадқиқотчиларга, олимларга ҳукумат берадиган ойлик маош илм-фанни ривожлантириш орқали мамлакат тараққиётiga ҳиссаси қўшиши учун хизмат қиласди.

Айрим ҳолларда, хорижда таълим олган ёки хорижий университетлардаги шароитларни яхши биладиган мутахассислар хорижда университет олимлари пул ишлаб топишини, уларда университетни молиялаштиришининг катта қисми олимлар томонидан қилинадиган ишлар ҳисобига, яъни илмий тадқиқот натижаларини реализация қилишдан тушишини тақрор-тақрор айтиб, бизнинг ёш ва бўлажак олимларимизни, амалдаги етук олимларимизни улар билан тақослаб қўришади.

АҚШнинг Колумбия университетига умрбод профессорлик (tenure track) лавозимиға қабул қилинган ilk ўзбек олимаси Азиза Шоназарова АҚШ таълим тизими ҳақида сўз юритар экан, профессор лавозимининг ойлиги катталиги, ўзига айтилган соатда маъруза ўқиши, оғисга келиб ишламаслиги, кўпчилик профессорлар уйдан ишлашни яхши қўриши ва бунга ҳеч қандай тўсқинлик йўқлигини, китоблари қаерда бўлса, ўша ерда ишлашини, оғисда ишласа, ҳамма эшикни тақиллатавериб ишлага ни қўймаслигини айтиб буни таълим тизими нинг ютуғи сифатида эътироф этади[18].

Албатта профессорлик масъулияти сифатида илмий иши билан шуғулланиши, ўзининг соҳасида чиқишилар қилиши, дунё миқёсидағи мақолалар чиқариши, китоблар чиқариши университетнинг нуфузини белгилаб берадиган ишлар қилиши, нуфуз юқори бўлиши эса ўз-ўзидан маблағ олиб келишини, шу боис, университет профессорга катта инвестиция киритишини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, олима томонидан эътироф этилган томонлар университетни танитиши, илм-фанни ривожлантириши билан бирга, маб-

лағларни иқтисод ҳам қиласди. Натижа бўлса ҳисоб. Қайси профессор-ўқитувчи самарали: ҳар куни эрталаб соат 8 да ишда бўлиб, кун давомида интернетдан ахборот ўқиб, турли кундалик ишларни бажариб, йилда 2 та тезису бир мақолани чиқарганими ёки аксарият вақти таълим муассасидан ташқари ўтиб, зарур бўлса кундузи дам олиб, тунда ижод билан шуғулланиб, дарси ва бошқа ўкув соатларида университетга келиб, йилига ўнлаб мақола, тезис, кўлланмалар чиқарган, шогирдлари ҳимоя қилган, ўзиям турли илмий жараёнларга таълим муассасаси номидан қатнашиб, турли ташкилотларда маъруза билан қатнашганими? Албатта, иккинчиси. Лекин, фикримизча, Биринчисини ташкил қилиш ҳар қандай раҳбарнинг қўлидан келади. Иккинчисини ташкил қилиш учун раҳбарлик қобилияти юқори даражада бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, ўқитувчидан ўқитувчи сифатида, тадқиқотчидан тадқиқотчи сифатида, олимдан олим сифатида фойдаланишимиз энг мақбул ечим ҳисобланиб, таълим сифатини ошириш, илм-фан ривожини таъминлаш билан бирга қилинаётган харажатларни тўғри йўналишда сарфланишига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар: Ўрганишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, таълим муассасаларида иш вақти ҳисобини юритишида муассасаларнинг хусусиятидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Яъни, таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларига таълим муассасасида бўлиши эмас, умумий қиладиган ишларини умумлаштириш иш вақтини ҳисоблаш лозим.

Иккинчидан, таълим муассасаларида мустақил таълимни кўпайтириш, талаба ва ўқувчиларнинг мустақил ишлашларига етарли шартшароит яратиш мақсадида алоҳида мустақил ишлашлари учун вақт тақсимотини тўғри йўлга қўйиш лозим. Бунда, ҳафталик аудитория юкламасини 27 академик соатдан оширмаслик мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, таълим муассасаларида дарс бериш ва у билан боғлиқ фаoliyatni ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, аудитория ва айрим ишларни таълим муассасасида қилиш ҳамда дарсга тайёргарлик қўриш, ишларни текшириш ва хулоса бериш ишларини бажаришни ходимга эркин қўйиб бериш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, тадқиқотчи, профессор-ўқитувчилар томонидан қилинаётган ишларга жамоатчилик назоратини кескин ошириш ҳисобига маблағлардан самарали фойдаланишни назорат қилиш лозим.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси. Ўзбекистон қонун хуҗжатлари тўплами. Lex.uz сайти. (Кирилган сана: 15.11.2019).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сон Фармони.
3. "Ишнинг давом этиши муддатини ҳафтасига қирқ соатгача қисқартириш тўғрисида"ги 47-Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияси
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 марта даги 133-сонли қарори билан тасдиқланган «Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги қисқартирилган иш куни белгиланадиган ходимлар рўйхати».
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси 21.12.2022 й. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlis-va-ozbekiston-khalqiga-murojhaatnomasi>
6. uzjobs.uz сайти маълумотлари (Кирилган сана: 01.11.2019).
7. Саифназаров И.С, Кудратова У. (2019) Устоз-мураббий фаолияти ва жамиятда толерант муносабатларни шакллантириш фалсафаси <http://tsue.uz/wp-content/uploads/2019/06/6.pdf>
8. Қарор (2019). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги "Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида"ги қарори.
9. Ҳотамов К.Р (2020). Ҳам таълим самарадорлигини оширайлик, ҳам иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшайлик. Логистика ва иқтисодиёт. Илмий-электрон журнал. 1-сон. 90-97 бетлар
10. P.M. Sadler, G. Sonnert, H.P. Coyle, N. Cook-Smith, J.L. Miller The influence of teachers' knowledge on student learning in middle school physical science classrooms American Educational Research Journal, 50 (5) (2013), pp. 1020-1049, 10.3102/0002831213477680
11. P.L. Grossman. The making of a teacher: teacher knowledge and teacher education Professional development and practice series, Teachers College Press (1990)
12. L.S. Shulman. Those who understand: Knowledge growth in teaching. Educational Researcher, 15 (4) (1986), pp. 4-14
13. L.S. Shulman. Knowledge and teaching: Foundations of the new reform Harvard Educational Review, 57 (1) (1987), pp. 1-22
14. M. Schneider, F. Preckel Variables associated with achievement in higher education: A systematic review of meta-analyses. Psychological Bulletin, 143 (6) (2017), pp. 565-600, [10.1037/bul0000098](https://doi.org/10.1037/bul0000098)
15. K.A. Feldmann. Identifying exemplary teachers and teaching: Evidence from student ratings. R.P. Perry, J.C. Smart (Eds.), The scholarship of teaching and learning in higher education: An evidence-based perspective, Springer (2007), pp. 93-129
16. A. Panayiotou, B. Herbert, P. Sammons, L. Kyriakides. Conceptualizing and exploring the quality of teaching using generic frameworks: A way forward. Studies in Educational Evaluation, 70 (2021), Article 101028, [10.1016/j.stueduc.2021.101028](https://doi.org/10.1016/j.stueduc.2021.101028)
17. <https://kun.uz/news/list?f=tag&name=>
18. <https://kun.uz/news/2020/03/12/oz>



ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТИЗИМЛИ ИСЛОХОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Джуманиязов Умрбек Илхамович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси доценти

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a44

Аннотация. Ушбу илмий мақолада Ўзбекистонда сўнги 6 йил давомида олий таълим соҳасини ривожлантириш концепцияси асосида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар таҳлил этилган бўлиб, истиқболда соҳани янада ривожлантириш бўйича бажарилиши зарур бўлган вазифалар таклиф этилган.

Калим сўзлар: ECTS - European Credit Transfer and Accumulation System, HEMIS - Higher Education Management Information Systems, академик ва молиявий мустақиллик, кредит-модуль тизими, халқаро аккредитация.

АНАЛИЗ СИСТЕМНЫХ РЕФОРМ, РЕАЛИЗУЕМЫХ НА ОСНОВЕ КОНЦЕПЦИИ РАЗВИТИЯ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Джуманиязов Умрбек Ильхамович -
Ташкентский государственный экономический университет
доцент кафедры «Мировая экономика»

Аннотация. В данной научной статье анализируются работа и достигнутые результаты на основе концепции развития сектора высшего образования в Узбекистане за последние 6 лет, а также предлагаются задачи, которые необходимо выполнить для дальнейшего развития сектора в будущем.

Ключевые слова: ECTS - European Credit Transfer and Accumulation System, HEMIS - Higher Education Management Information Systems, академическая и финансовая независимость, система кредитных модулей, международная аккредитация.